

**ФИЗИКА–ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН–ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИОН–ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**УСМАНОВ ДИЛШАДБЕК ТУРСУНБАЕВИЧ**

**ҚИЙИН УЧУВЧИ ОРГАНИК БИРИКМАЛАРНИ ЮҚОРИ  
СЕЗГИРЛИКДА АНИҚЛАШ ВА ЎРГАНИШНИНГ ИОНЛАШИШ  
УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**01.04.04 – Физик электроника**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Усманов Дилшадбек Турсунбаевич**

Қийин учувчи органик бирикмаларни юқори сезгирликда аниқлаш ва ўрганишнинг ионлашиш усуллари ривожлантириш ..... 3

**Усманов Дилшадбек Турсунбаевич**

Развитие ионизационных методов высокочувствительного обнаружения и анализа труднолетучих органических соединений ..... 27

**Usmanov Dilshadbek Tursunbaevich**

Development of ionization methods for highly sensitive detection and analysis of less-volatile organic compounds ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published scientific works ..... 57

**ФИЗИКА–ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН–ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИОН–ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**УСМАНОВ ДИЛШАДБЕК ТУРСУНБАЕВИЧ**

**ҚИЙИН УЧУВЧИ ОРГАНИК БИРИКМАЛАРНИ ЮҚОРИ  
СЕЗГИРЛИКДА АНИҚЛАШ ВА ЎРГАНИШНИНГ ИОНЛАШИШ  
УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**01.04.04 – Физик электроника**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/FM96 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (fti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Ашуров Хатам Бахронович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:** **Эрвье Юрий Юрьевич**  
физика-математика фанлари доктори, доцент  
(Россия Федерацияси)

**Ташатов Алланазар Каршиевич**  
физика-математика фанлари доктори, доцент

**Исаханов Зинаобидин Абилпейзович**  
физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2018.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2б-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Физика-техника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2б-уй, Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни таркатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.Р. Авезова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

**О.А. Абдулхаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, физика- математика фанлари  
фалсафа доктори

**А.Абдурахманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида бугунги кунда жадал ривожланаётган физик электроника соҳасида муҳим физикавий-кимёвий муаммолардан бири кўп атомли молекулаларни қизиқ турган сиртдаги адсорбциясини ҳамда газли фазада содир бўлаётган физик-химик жараёнларни чуқур тушуниш муҳим аҳамият касб этмоқда. Амалий жиҳатдан қийин учувчи органик моддалар, шу жумладан, наркотик ва портловчи моддаларни юқори сезгирликда ва тез аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш ва ривожлантириш жаҳон илмий ҳамжамиятининг долзарб вазифасидир. Қаттиқ таъсир қилувчи табиий ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиш муаммоси ҳам долзарбдир ва у жаҳон ҳамжамиятини ривожланишига катта тўсқинлик қилмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда қийин учувчи органик моддаларни, шу жумладан, наркотик ва портловчи моддаларни юқори сезгирликда ва танловчанликда реал вақт давомида аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш, ҳамда уларнинг ионлашиш механизмларини ва физикавий-кимёвий параметрларини вакуум ва атмосфера босими шароитида аниқлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади: опиат молекулаларининг адсорбциясини, уларнинг сиртдаги кимёвий ўзгаришларини, кўп атомли молекулаларнинг десорбциясини, жумладан, ионларнинг термодесорбцияси – сирт ионлашишни тадқиқ қилиш; янги юқори самарадорликка эга десорбцион усулларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш; янги ультра сезгирликка эга бўлган портловчи ва наркотик моддаларнинг ионлашиш манбаларини ишлаб чиқиш; электроспрей жараёнида қийин учувчи органик ионларнинг ҳосил бўлиш вақт характеристикаларини тадқиқ қилиш; зондли электроспрей усулининг аналитик имкониятларини тадқиқ қилиш ва ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасида физик электроника соҳасида, хусусан масс-спектрометрия соҳасида катта илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган, жумладан, ионлашаётган кўп атомли молекулаларнинг хоссалари ва уларнинг сирт билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини аниқловчи ионлашиш услублари ривожлантирилган; физиологик актив органик бирикмаларнинг из қолдиқларини газоаналитик асбобсозликда янги йўналиш очиб берган юқори сезгирликда ва танловчанликда аниқловчи усуллар ва асбоблар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятларни рағбатлантириш, илмий-инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш вазифалари кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири бу қийин учувчи органик бирикмаларнинг ҳар хил муҳитларда содир бўлаётган турли жараёнларни механизмларини тадқиқ қилиш ва бу бирикмаларни юқори сезгирликда қайд қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг индустриясини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантирининг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини келгусида амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республкаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, олиб чиқиб кетиш ва ҳудудидан наркотик, психотроп моддаларни олиб ўтиш қоидалари ва уларнинг ноқонуний айланишини назоратга олиш» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг: V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш» ва VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилди.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Наркотик ва портловчи моддаларни, пестицидларни, доривор аралашмаларни ва реал намуналарни, пептид ва оксилларни юқори сезгирлик ва танловчанликда аниқлаш, шунингдек, ҳар хил муҳитларда содир бўлаётган физик-кимёвий жараёнларни тадқиқ қилиш жаҳоннинг етакчи марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Пердью университети (АҚШ), Ок-Ридж миллий лабораторияси (АҚШ), Яманаши университети (Япония), Хитачи компаниясининг илмий лабораториялари (Япония, Буюкбритания), Хитой технология университети (Хитой Халқ Республикаси), Шарқий Хитой технология институти (Хитой Халқ Республикаси), Цинхуа университети (Хитой Халқ Республикаси), Сунь Ят-Сен Миллий университети (Тайвань), Сёдзон университети (Жанубий Корея), Швейцария олий техника мактаби (Швейцария), Кранфилд университети (Буюкбритания) ва Макс Планк номидаги кимё институти (Германия)да олиб борилмоқда.

Қийин учувчи органик бирикмалар, шу жумладан наркотик ва портловчи моддаларни тадқиқ қилишда жаҳон миқёсида долзарб муаммолар ҳал қилинган ва қуйидаги муҳим илмий натижалар олинган: наркотик ва портловчи моддалар, пестицидлар, доривор аралашмаларни ва реал намуналарни юқори сезгирликда аниқлаш ва таҳлил қилишнинг десорбцияли электроспрей ионлаштириш усули ишлаб чиқилган; тадқиқ қилинаётган моддаларнинг десорбцияланиш механизмлари ва ион-молекуляр реакциялари аниқланган (Пердью университети, АҚШ); термик ионлаштириш усули

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://worldwidescience.org/topicpages/m/mass+spectrometric+methods.html> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

асосида наркотик ва портловчи моддалар тадқиқи учун атмосфера босим шароитида ишлайдиган усуллар ишлаб чиқилган (Ок-Ридж миллий лабораторияси, АҚШ); пестицид моддаларини озик-овқат маҳсулотларида тез ва юқори самандорликда аниқлаш учун атмосфера босимидаги милтиллама разрядли масс-спектрометрик услуби қўлланилган (Швейцария олий техника мактаби, Швейцария).

Ҳозирги вақтда жаҳонда қийин учувчи органик бирикмаларни юқори сезгирликда аниқлаш ва таҳлил қилиш асбобларини, усулларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш ҳамда бу бирикмаларнинг физикавий – кимёвий параметрларини тадқиқ қилиш борасида қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: портловчи ва наркотик моддаларни реал вақтларда юқори сезгирликда аниқловчи ультра сезгирликка эга ионлашиш усулларини ишлаб чиқиш; атмосфера босими шароитида бу моддаларнинг ион-молекуляр реакцияларини аниқлаш; кичик ўлчамдаги ионлар манбаларини кўчиб (мобил) юрадиган масс-спектрометрлар учун ишлаб чиқиш; пептидлар ва оксилларнинг кўп зарядли ионларининг табиатини аниқлаш учун тадқиқотлар ўтказиш ҳамда реал намуналарнинг тез ва юқори сезгирликда қўшимчаларини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда опиатлар, наркотиклар, портловчи моддалар, пестицидлар, пептидлар ва оксиллар масс-спектрометрик усуллар: электронлар, фотонлар билан ионлаштириш; тезлатилган ионлар ва атомлар дастаси билан; кимёвий ионлаштириш, лазер ва спрей усуллари билан вакуум ва атмосфера босимида текширилган.

Р.Б. Коди, Ж.А. Ларами, Ж.М. Нилес, Х.Д. Дарст муаллифларнинг ишларида реал вақт тартибида бевосита таҳлил қилиш услуби билан қуйидаги нитро портловчи моддалар: нитроглицерин, тринитротолуол, гексоген, ноорганик портловчи моддалар яъни аммоний нитрати, перхлоратлар ва азидлар, ҳамда перексидлар - ацетон перексиди ва гексаметилентрипероксиддиамин аниқланган. Портловчи моддаларнинг ионлашиш механизм қонуниятлари очилган. Тадқиқ қилинган портловчи моддаларнинг аниқланиш чегаралари пикограмм даражасини ташкил қилган. Аммо, бу ишда гелий газ ионлаштирувчи газ реагент сифатида ишлатилган ва бу реал вақт давомида услубнинг амалиётга тадбиғини қийинлаштиради.

Ш. Зитрин ва Ж. Юнон муаллифларнинг ишларида опийнинг кимёвий ионлашиш масс-спектрида бешта асосий опийни ташкил қилувчи алкалоидлари яъни морфин, наркотин, кодеин, папаверин ва тебаин аниқланган. Кимёвий ионлашишда изобутан 0.2-0.5 мм симоб устуни босимида ва сув 0.05 – 0.07 мм симоб устуни босимдаги реагентлар қўлланилган. Ионлашиш манбасининг ҳарорати 155-200°C ораликда ва зонднинг ҳарорати 90-160°C ораликда бўлган. Опийнинг кимёвий ионлаштириш масс-спектрида  $m/z$  220 массали ион асосий ион чизиғи бўлган ва бу ион наркотин молекуляр ионнинг парчаланишидан ҳосил бўлган.

М. Вилм, М. Ман муаллифларнинг ишларида диэлектрик тўсиқли разрядли ионлашиш манбаси нано-суюқлиги хроматография усули билан бириктирилган. Намуналарнинг аниқлаш ва уларни миқдорий аниқлаш юқори ажратувчанликдаги орбитрап масс-спектрометрида тўлиқ сканлаш

шароитида қилинган. Нано-суюқлики хроматография тизими озик-овқат маҳсулотларини таҳлил қилишда кам ишлатилишига қарамасдан, диэлектрик тўсиқли разрядли ионлашиш манбаси нано-суюқлики хроматография усули билан бириктирилган тизим пестицидларни бу маҳсулотларда таҳлил қилишда фавқулдда юқори сезгирликни, яъни 10 пг/мл ни намойиш қилган. «Тез, қулай, арзон, самарали, ишончли ва хавфсиз» ёндашиш билан ажратиб олинган озик-овқат маҳсулотлари, олмалар ва болалар озуқалари намуналари таҳлили бу усул билан муваффақиятли синовдан ўтган. Натижалар кўрсатганки, диэлектрик тўсиқли разрядли ионлашиш манбаси нано-суюқлики хроматография усули билан бириктирилган тизим юқори сезгирлиги ва натижаларнинг такрорийлиги доимий пестицидлар таҳлилинини яхшилашга қодирлиги аниқланган.

Бу тадқиқотларга қарамай қийин учувчи органик бирикмаларнинг, жумладан наркотик ва портловчи моддаларнинг ҳар хил муҳитларда кечадиган физикавий-кимёвий жараёнларини тадқиқ қилиш ва уларнинг реал вақт давомида аниқлаш учун тезкор, юқори сезгирлик ва аниқлик билан аниқловчи десорбцион ва деструктивсиз масс-спектрометрик усулларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш долзарблигича қолмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ион-плазма ва лазер технологиялари институтнинг: № ФА-Ф2-Ф094 «Кўпатомли зарраларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири: мувозанатли адсорбцион процесс ва сирт ионлашувидан то иккиламчи-эмиссион ночизиқли ноаддитив эффектлар» (2008-2012) лойиҳаси доирасида, «Кўпатомли зарраларни қаттиқ жисм сирти билан таъсири» (2012-2016), № ФА-А15-Ф128 «Атмосфера шароитида ишлайдиган термодесорбцион сиртий-ионлашув газанализаторини яратиш ва унинг ёрдамида психотроп препаратлар, пестицидлар ва бошқа физиологик актив моддаларни бионамуналар ва криминалистик материаллар, атроф муҳитни сақлаш объектларида, ҳамда озик овқатларда миқдорий аниқлаш технологиясини яратиш» (2009-2011) тадқиқотлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қийин учувчан органик бирикмаларни вакуум ва атмосфера босимида юқори сезгирликда аниқлаш ва таҳлил қилишнинг янги ионлашув усулларини ривожлантириш ҳамда қиздирилган қаттиқ жисм сирти ва газли фазалардаги физикавий-кимёвий жараёнларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сирт-ионлашув масс-спектрометриясини (СИ/МС) ва суюқликли-хроматографик тандем масс-спектрометриясини опият аралашмали - омнопон кўпатомли молекуласининг (морфин, кодеин, тебаин, папаверин ва наркотин) биргаликдаги адсорбция вақтида аналитик имкониятларини текшириш;

ультратовушли тебранишлар ва иссиқлик усуллари асосида кичик массали ( $\geq 1000$  а.м.б.) бирикмаларни юқори самардорликда десорбция қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг физикавий-кимёвий параметрларини ўрганиш, шунингдек, сифатий ва миқдорий таҳлил қилиш;



ўзгарувчан токдаги атмосфера босимидаги кимёвий ионлашиш усули асосида портловчи (шунингдек, кўлда тайёрланган) ва наркотик моддаларнинг янги ультрасезгирликдаги ионлар манбаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ионлашиш механизмларини ҳамда ион-молекулали реакцияларини атмосфера босимида ўрганиш;

портловчи ва наркотик моддаларнинг диэлектрик тўсиқли разрядли ионлашув усули билан паст босимли муҳитда янгича ёндашиш орқали ўрганиш;

грамицидин С, цитохром С и пептид инсулинларнинг натрий хлорид аралашмаси, шунингдек, наркотик моддаларни қисқичли клапан ёрдамида зондли электроспрей ионлашиш (ЗЭСИ) усулида тадқиқ қилиш. Зондли электроспрей ионлашиш усулида кетма-кет ва туговчи ионлашиш механизм қонуниятларини аниқлаш, шунингдек, ЗЭСИ усули билан долзарб органик бирикмаларни ўрганиш;

электроспрей жараёнида импульсли ЗЭСИ ва наноЭСИ усулларининг ион ҳосил бўлиши вақт характеристикаларини қиёсий ўрганиш;

ЗЭСИ усулини аналитик имкониятларини қийин учувчи органик бирикмалар ва реал намуналар учун тадқиқ қилиш ва ривожлантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида портловчи ва наркотик моддалар, пестицидлар, пептидлар, оксиллар ва реал намуналар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** оксидланган қийин эрувчи металллар сиртидаги кўп атомли молекулаларнинг сиртий ионлашуви – ионларнинг иссиқлик эмиссияси масс-спектрометрияси. Шунингдек, зондли электроспрей ионлашиш масс-спектрометрияси (ЗЭСИ), наноЭСИ, атмосфера босимида кимёвий ионлашиш (АБКИ), диэлектрик тўсиқли разрядли ионлашиш (ДТРИ), суюқликли хроматографик тандемли масс-спектрометрия (СХ/МС/МС), вакуумдаги, паст босимдаги ва атмосфера босимидаги кўп атомли молекулалардир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида қуйидаги усуллар қўлланилган: сиртий ионлашиш масс-спектрометрияси, суюқликли хроматографик тандемли масс-спектрометрия, термик десорбция, атмосфера босимида кимёвий ионлашиш, диэлектрик тўсиқли разрядли ионлашиш, ультратовушли десорбция ва зондли электроспрей ионлашиш масс-спектрометрияси, ҳамда идентификациялаш усули, таққослаш усули ва Хаген-Пуазёл қонуни ва услуги.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

опий алкалоидлари аралашмасининг (омнопон моддаси) сирт ионлашиш масс-спектрини аниқланган аддитивлиги бу моддалар аралашмаларини хроматографик ажратишларсиз миқдорий таҳлил қилиш имкониятини яратиши кўрсатилган;

лаҳзада қиздириш ва кейин диэлектрик тўсиқли разрядда ионлашиш усулида қийин учувчи моддалар наркотик ва портловчи моддаларни десорбциясида фақат бутун молекуляр ионлар бериши аниқланган ҳамда зарраларнинг десорбция тезлиги уларнинг деградация тезлигидан катталиги топилган;

Ўзгарувчан токли атмосфера босимида кимёвий ионлашиш билан биринчи марта портловчи моддалар гексаметилентрипероксиддиамин, гексоген, октоген, нитроглицерин, пентаэритриттетранитрат, нитрат аммоний ва тринитротолуол тадқиқ қилинган ҳамда тринитротолуол молекуласи асосида портловчи моддаларнинг атмосфера босимида кимёвий ионлашиш усулида ионлашиш механизмлари ва ион-молекуляр реакциялари аниқланган;

наркотик молекулалар, портловчи моддалар, ионли бирикмалар ва бўёқларнинг кейинчалик диэлектрик тўсиқли разрядли ионлашиш усули орқали ионлаштирилган тефлон сиртидан ультратовушли тебраниш («қаттиқ-қаттиқ трайбодесорбция») пайтидаги самарадор десорбцияси кузатилган;

эритма микротомчилари ва қаттиқ жисмларнинг ультратовушли тебраниши орасидаги динамик ишқаланиш қийин учувчи моддалар, яъни наркотиклар, портловчи моддалар, ионли бирикмалар ва бўёқларда самарадор десорбцияланишни («суюқ-қаттиқ трайбодесорбция») келтириб чиқариши биринчи марта тажрибаларда аниқланган ҳамда десорбцияланиш механизми топилган;

грамицидин С, инсулин и цитохром С ларнинг 10 мМ натрий хлориддаги эритмасида узлукли атмосфера босимидаги зондли электроспрей ионлашиш интерфейсидаги кетма-кет ионлашиши тажрибаларда кузатилган;

зондли электроспрей ионлашишида илк бор Тейлор учида зарядланган томчиларнинг вақт характеристикалари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Ўзгарувчан токли атмосфера босимида кимёвий ионлашиш ва диэлектрик тўсиқли разрядли ионлашиш усуллари асосида атмосфера босимида қийин учувчи портловчи моддаларни аниқлашга имкон берувчи, юқори сезгирликдаги наркотик ва портловчи моддаларнинг атмосфера босимида ишлайдиган янги ва ихчам ионлар манбаси ишлаб чиқилган.

Портловчи моддаларни интерфейсли импульсли соленоид клапан орқали узлукли атмосфера босимида ишлайдиган ионлар манбаси ишлаб чиқилган ва бу ионлар манбаси кичик (кўтариб юрадиган) масс-спектрометрларда қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Юқори самарадорликда органик ва биоорганик бирикмаларни намуналарни олдиндан тайёрламасдан, тез аниқлаб берувчи зондли электроспрей ионлашиш тизими ишлаб чиқилган ҳамда пептидлар ва оксилларни натрий хлор муҳитида тадқиқ қилиниши, шак-шубҳасиз, тиббиёт ва биотиббиёт соҳаларида муҳим аҳамиятга эгаллиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** янги ва замонавий масс-спектрометрик услубларини ва ёндашишлари фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Портловчи моддалар, яъни ион-молекулаларнинг реакциялари тўғрисида олинган тажриба натижалари ва озоннинг ўрнини асословчи таклиф қилинган механизм ишончилиги функционал зичлик назарияси асосидаги назарий тадқиқотлар билан мустаҳкамланган (диссертацияда келтирилмаган). Олинган ионларнинг аниқланиш чегараси ва калибрлаш чизиғлари қиёслаш усули билан текширилган. Ҳар бир ўлчашлар олдида фон (қолдиқ) масс-спектрлари ва ионлар таркиби текширилган. Аниқланган

ва идентификацияланган ионлар илмий адабиётдаги олинган натижалар билан таққосланган, қолаверса, юқори ажратувчанликка эга «Exactive+» масс-спектрометри аниқланган ионлар массасини юқори аниқликда, яъни миллиондан бир миқдорда ўлчашга имкон берган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сирт ионлашиш услуги орқали вакуум шароитида олинган натижалар мураккаб кўпатомили молекуларнинг биргаликдаги адсорбцияси пайтидаги қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири, шунингдек, адсорбция схемалари ва сиртдаги реакциялар ҳамда атмосфера босимида портловчи моддаларнинг таклиф қилинган ионлашиш механизмлари газли фазаларда рўй берадиган физикавий-кимёвий жараёнлар ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради ва шунингдек зондли электроспрей ионлашиш усули билан аниқланган кетма-кет ва туговчи ионлашиш, тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг физикавий-кимёвий хусусиятлари ҳақида маълумот олиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, кўп атомли органик бирикмаларнинг сирт ионлашишини ривожлантириш мураккаб аралашмаларда, шунингдек, бионамуналарда опиятларнинг из қолдиқларини олдиндан хроматографик ажратишларсиз юқори сезгирликда аниқлаш муаммосини ечишда ҳамда таклиф қилинаётган янги ионлаштириш манбалари ва усуллари қийин учувчи органик бирикмаларни, жумладан наркотик ва портловчи моддаларни юқори сезгирликда аниқлаш ва таҳлил қилишда қўллаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қийин учувчи органик бирикмалар, жумладан наркотик ва портловчи моддаларнинг вакуум ва атмосфера босимида масс-спектрометрик ионлаштириш усулларини ривожлантириш асосида:

наркотик моддаларнинг аниқланган сирт ионлашув масс-спектрометрияси қонуниятлари ва олинган ион тоқларининг ҳароратга боғлиқликлари асосида яратилган юқори сезгирликдаги «Искович» термодесорбцион сирт-ионлашув спектрометри вилоятлар, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюрolariда бионамуналарда наркотикларни аниқлашда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 811-3/131 - сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш бионамуналарда наркотикларни тез ва юқори сезгирликда аниқлаш имконини берган;

зондли электроспрей ионлашиш усулининг натрий хлоридга юқори чидамлилиги ва триглицерид кластер ионларининг (натрий молекулалари билан боғ ҳосил қилган маҳсулотлари) юқори интенсивда олинган натижалари Япониянинг Шимадзе компанияси томонидан яратилган тиббий ташхис учун зондли электроспрей ионлашиш масс-спектрометрияси тизимида ҳамда ривожлантирилган зондли электроспрей ионлашиш усули япон ҳукуматининг юқори рейтингли «Гапирувчи ячейкага ёндашиш» грант лойиҳасида фойдаланилган (Япониянинг Яманаши университетининг 2017 йил 27 июлдаги маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш

пациентларнинг биотўқималарида соғ ва касалланган ҳужайраларини аниқлаш ҳамда битта ячеякада содир бўладиган динамик жараёнларни жойида ёки реал вақтларда мониторинг қилиш имконини берган;

қийин учувчи органик бирикмаларни лаҳзада қиздириш тажрибаларда олинган диссертация ишидаги натижалар ва портловчи моддалар тринитротолуол ва гексоген учун ишлаб чиқилган лаҳзада қиздириш ва кейин диэлектрик тўсиқ разрядли ионлаштириш усули натижалари хорижий журналларда (Nanoscale 17, 5708-5717, 2017, IF: 7.367; Analytica Chimica Acta 1002, 62-69, 2018, IF: 4.95; Advances in Space Research 11, 2416-2423, 2016, IF: 1.401 ва бошқалар) термик десорбцияда намунанинг алоҳида олишда фазовий ажратиш қобилиятларини яхшилашда ва атмосфера босимида ионлашиш усуллари ривожлантиришда фойдаланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш термик десорбцияда намунанинг алоҳида олишда фазовий ажратиш қобилиятларини яхшилаш ва диэлектрик тўсиқли разрядли ионлашиш ва десорбцион усул билан атмосфера босимида кимёвий ионлашиш усуллари ривожлантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари 9 та халқаро ва республика анжуманларида маъруза ва муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 15 та илмий мақола, уларнинг 14 таси нуфузли халқаро ва 1 таси япон журналида нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, 145 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 78 та расм ва 7 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, ишнинг объекти, предмети ва тадқиқот методларининг Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларининг муҳим йўналишларига мослиги, илмий янгиликлар, натижаларнинг илмий амалий муҳимлиги келтирилган, натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва уларнинг қўлланилиши борасида қисқа маълумот, натижалар апробацияси ва диссертация структураси келтирилган.

Диссертациянинг **«Вакуум ва атмосфера шароитида ионлаштириш усуллари ва портловчи ва наркотик моддаларни, шунингдек, пестицидлар, пептидлар, оксиллар ва реал намуналарни таҳлил қилишнинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида наркотик ва портловчи моддаларини, шунингдек пестицидлар, пептидлар, оксиллар ва реал намуналарни топиш ва таҳлил қилиш учун юқори сезгирликга эга

вакуум ва атмосфера шароитларида ионлашиш услубларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш бўйича адабиётлар таҳлил қилинган.

Яқин икки-уч ўн йилликда янги ионлашиш ва десорбцияланиш усуллари ривожланишига қарамадан наркотик ва портловчи моддаларни, шунингдек, пестицидлар, пептидлар, оксиллар ва реал намуналарни топиш ва таҳлил қилиш учун юқори сезгир, десорбцияланиш ва ионлашиш масс-спектрометрик усуллари ривожлантириш долзарблигича қолмоқда. Ушбу моддаларнинг газли фазада содир бўладиган ион-молекулали реакциялари ва уларнинг ионланиш механизмини ўрнатиш фундаментал нуқтаи назардан муҳим ҳисобланади. Бобга хулоса қилинган ва диссертация ишининг вазибалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Экспериментал масс-спектрометрли қурилмаларнинг ва тадқиқот услубларини баёни**» деб номланган иккинчи бобида юқори вакуум ва атмосфера ҳавоси шароитида органик бирикмаларни ўрганиш учун асосий масс-спектрометрик услублар келтирилган бўлиб, уларнинг аксарияти диссертация ишини бажариш давомида ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган. Сиртий ионлашув (СИ) масс-спектрометриясига тегишли маълумотлар қийин учувчи молекулалар СИ ионлашишини ўрганиш учун ривожлантирилган МХ-1320 масс-спектрометрида олинган. Масс-спектрометрда электронли ионлаштириш манбаи ўрнига СИ манбаи ўрнатилган. Термоэмиттер сифатида диаметри 0.2 мм ва узунлиги 58 мм бўлган оксидланган вольфрам толаси ишлатилиб, бундай эмиттерларни олиш технологияси келтирилган. Текшириладиган моддаларнинг молекуляр оқими стандарт кварцли Кнудсен ячейкаси ёрдамида ҳосил қилинади. Модда солинган ампула ионлар манбаига махсус шлюз тизими ёрдамида ионлар манбаига киритилади. Ионлар оқими ВЭУ-1А иккиламчи электрон кўпайтиргичи ёрдамида қайд этилади ва КСП-4 потенциометри ёрдамида ёзиб олинади. Опий – омнопон алколоидларини экспериментал текшириш учун суяқ хроматографли иккиламчи масс спектрометр (СХ/МС/МС) қурилмаси Waters Alliance 2790 ажратиш модулидан Микромасс томонидан йиғилган (QETF) ва квадруполли учуш вақтли масс-спектрометридан иборатдир. Тизим Микромасс томонидан ишлаб чиқилган Masslynx дастурий таъминоти орқали бошқарилади. Ионлар манбаи сифатида мусбат ионлар ҳосил қилувчи функционал Z-spray® ишлатилган. Наркотик, портловчи моддалар, пестицидлар, пептидлар, оксиллар ва реал намуналарни юқори сезгирликда аниқлаш ва таҳлил қилиш учун қуйидаги ривожлантирилган ва ишлаб чиқилган масс-спектрометрик усуллар ишлатилган. Диэлектрик тўсиқли разрядли ионлар



1-расм. Тажрибавий системанинг схемаси.

манбали лахзада десорбция/масс-спектрометр тизими 1-расмда келтирилган. Лахзада қиздириш ва намуналарни десорбциялаштириш учун 0.4 мм диаметри зангламайдиган пўлат мис толаси (SUS) ишлатилади. Тола вертикал юқорига ва пастга двигатель тизими ёрдамида сурилади. Дастлаб тола энг юқори нуқтада бўлади. Бир давр 0.3 сонияни ташкил қилади. Тола энг юқори нуқтага кўчирилгандан сўнг у манипулятор ёрдамида туширилади. Туширилиш масофаси кириб бориш чуқурлиги билан белгиланади. Барча ўлчашларда кириб бориш чуқурлиги 0.1 мм ни ташкил қилган. Қаттиқ намуналар диаметри 8 мм бўлган зангламас пўлатдан таёрланган идишга жойлаштирилади. Гелий қўлланилган диэлектрик тўсиқли разрядли ионлар манбаси орқали десорбциланган газсимон молекулалар ионлаштирилган.

Қийин учувчан органик бирикмалар учун самарадор ультратовушли десорбциялаш ва ДТР ионлар манбаида ионлашув усули ишлаб чиқилди. Дастлаб «қаттиқ-қаттиқ» трайбодесорбция тизими ишлаб чиқилди. 2 мкл ли намуна аралашмаси ясси сиртли тефлон томизилди. Очиқ атмосферада суюқ намуна қуритилгандан сўнг намуна эҳтиёткорлик билан ультратовушли кескич (20 Вт, 40 кГц, тебраниш амплитудаси 16 мкм) билан десорбциялантирилади. Бунда текизилиш ўрни тагликда қуролланилмаган кўз билан кўринадиган катта бўлмаган нуқсонлар борлигини кўрсатди.

Сўнгра «қаттиқ-суюқ» трайбодесорбция тизими ишлаб чиқилди. 1 мкл сув/метанол (1/1) аралашма ультратовушли кескич тиғига сурилади (частота: 40 кГц, тебраниш амплитудаси ~12 мкм, SUW 30-30СТ). Сурилган намуна доғи диаметри тахминан 1.5 мм (~2 мм<sup>2</sup>) ни ташкил қилади. Суюқлик томчиси 10 дақиқа давомида хона температурасида қуритилди. Сув/метанол микротомчилари (1/1) тез оқимли принтерлар учун тайёрланган (Microjet, JНС-10) пьезоэлектрик микротомчилар генератори томонидан ҳосил қилинади. Диаметри ~30 мкм бўлган (ҳажми: ~10 пиколитр) томчилар намуна сурилган тиғ ясси сиртига перпендикуляр йўналтирилади. Томчилар генератори частотаси – 100 Гц дир. Тиғ ва микрооқимлар генератори оқими орасидаги масофаси 1.5 мм ни ташкил қилади.

Атмосфера босимида ўзгарувчан ва ўзгармас ток билан кимёвий ионлаштирадиган ионлар манбаининг ушбу биринчи варианты зангламас пўлатдан тайёрланган ва санчувчи игнадан фойдаланиш орқали ҳосил қилинган (ички диаметри: 0.12 мм, уч диаметри: 700 нм). Экспериментлар ион тузоқли масс-спектрометр ёрдамида ўтказилган. Ионларни ўтказиш трубкаси 120<sup>0</sup>С ни ташкил қилди. Кучайтиришни автоматик регулировка қилиш, ионларни инъекциялаш вақтини максимал 2 мс га ёқиш орқали, микросканерлашни эса 1 га қўйиш орқали ҳосил қилинган (сканерлаш диапазон m/z: 50 – 500). Масс-спектрометрик маълумотлар Xcalibur 2.1. ёрдамида олиниб қайта ишланган.


Ионлар манбаининг иккинчи вариантыда ички диаметри 115 микрометр, ҳаво (атмосфера босимида газ-ташувчи) узунлиги эса 12 мм бўлган никелли капилляр орқали киритилган. Ушбу капиллярнинг ички сирти электромолдирлаш йўли билан олинган бўлиб, ички сирти чоксиз ёки ярим пайвандлаш усули билан олинган капиллярларига нисбатан силлиқ қилиб тайёрланган. Электромолдирлаш йўли билан олинган капиллярлар

экспериментларда алоҳида аҳамиятга эга. Турбулентлик ҳисобига ионларнинг капилляр деворларига урилиб йўқотилиши капилляр диаметрининг камайиб бориши билан ортиб боради. Капилляр орқали ташилувчи ҳаво оқими тезлиги ўлчанган қиймати 41 мл/мин ни ташкил қилди. Биринчи вакуум камерадаги босим 1 торр даражада роторли механик насосга уланган бошқарувчи клапан ёрдамида доимий ушланиб турилди. Тажрибалар учинчи вақтда масс-спектрометр ёрдамида ўтказилди. Игнада ўзгарувчан ток тож разрядини генерациялаш учун игнага 15 кГц 2.6 кВ радиочастотали кучланиш қўйилди.

Ривожлантирилган паст босимли диэлектрик тўсиқли разрядли ионлар манбаи (ДТР), диэлектрик материал сифатида ишлатиладиган керамик трубкалардан (4 мм ички и 6 мм ташқи диаметрли) иборат. Ташқи электрод сифатида ҳалқасимон мис электрод ишлатилган бўлиб, у керамик трубка ташқи чегарасидан 2 мм узокликда жойлашган. Ички электрод сифатида ионларни қабул қилувчи ерга туташтирилган тирқичли электроддан фойдаланилган. ДТРни генерациялаш учун ташқи электродга юқори кучланишли (15 кГц,  $V_p$ -р: 3.0 кВ) манба уланган. Ҳаво оқими электромолдирланган Ni ички диаметри 0.115 мм ва узунлиги 12 мм бўлган капилляр орқали ўтказилади. Диэлектрик трубкага 2 мм диаметрли цилиндрсимон тўрли электрод (795 меш, 0.016 мм ли зангламас пўлатдан таёрланган тола, шаффофлиги 25%) қўйилган. Ионлар манбаи ҳарорати керамик корпусга маҳкамланган уч картриджли қиздиргич билан хона температурасидан то 180 °C гача бошқарилади.

Наркотик ва портловчи моддаларни юқори сезгирликда аниқлаш ва таҳлил қилиш ва масс-спектрометрларни кичиклаштириш учун атмосфера ҳавосида ўзгарувчан ток ёрдамида кимёвий ионлаштиришли соленоид клапанли интерфейс услуби ишлаб чиқилган. Полиэфирэфиркетонли (ПЭЭК) шток ўзгарувчан частотада ишлайдиган ва очилиш/ёпилиш вақтда соленоидли клапан ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Прокладка ионлашиш камерасига кириш тирқичини зичлаштириш учун ишлатилган.

1 мкл шприц метанол 0.5 мкл ёки ацетон эритмасидаги намуна билан кириш тирқичининг қуйи ҳолатига киритилган. Кириш тирқичида буғлантирилган моддалар прокладка марказидан очилган 1 мм тирқичдан электромагнит клапанни очилиш орқали 10-30 мс дан сўнг ионлашув камерасига (ҳажми: 0.17 см<sup>3</sup>) киритилади. Ионлашиш камерасига киритилган газсимон



2-расм. ЗЭСИ ни тажрибавий схемаси.

намуналар ташқи диаметри 0.12 мм ва диаметр учи 700 нм бўлган эмиттердан фойдаланиб ўзгарувчан ток тож разряди орқали ионлаштирилади. Тож разрядини ҳосил қилиш учун эмиттерга радиочастотали генератор орқали 20 кГц частота ва 2.6 кВ кучланиш қўйилади.

Зондли электроспрейли ионлашув услуги базасида қуйидаги усуллар ишлаб чиқилди: ЗЭСИ узлукли атмосфера босимида; ботувчи ЗЭСИ; сиртки-оқимли ЗЭСИ. Зондли электроспрейли ионлашув тажриба схемаси 2 – расмда келтирилган. Типик электроспрей электрод сифатида зангламас пўлатдан (0.12 мм) тайёрланган диаметри ~700 нм бўлган санчувчи игнадан (электроспрейли игнадан) фойдаланилган. Бунга қарамасдан ЗЭСИ сифатида учи ўткир бўлган ҳар қандай толадан фойдаланиш мумкин.

Эмиттер вертикал юқорига ва пастга двигателли чизикли система орқали ҳаракатлантирилди. Эмиттер учининг қуйи ҳолати x-y-z манипулятор орқали бошқарилади. Намуна эгаллайдиган ҳажм игна ўлчамига, ботиш чуқурлигига, намуна қовушқоқлигига, сирт таранглигига, шунингдек игна сиртининг гидрофоблигига боғлиқ бўлади.

ЭСИ эмиттери сифатида диаметри 0.12 мм бўлган ва уч диаметри 700 нм бўлган металл игнадан фойдаланилса, қовушқоқлиги паст ва намунага кириш чуқурлиги 10 мкм бўлганда олинган намуна ҳажми ~ 0.35 пкл ни ташкил қилади. Эмиттер намуна билан таъсирлашганда, намуна ҳам потенциал остида бўлади. Эмиттер энг юқори ҳолатга ўтганда электроспрей (ЭС) ҳосил бўлиш учун 2 кВ кучланиш қўйилади. ЭС намунага боғлиқ равишда ЗЭСИ нинг бир даври учун 20 – 50 секунд давомида ҳосил қилинади.

Ушбу бобда шу билан бирга тажрибавий услублар ҳам келтирилган.

Диссертациянинг «**Опиат аралашмали – кўп атомли омнопон молекуласининг сиртий ионлашув масс-спектрометрияси ва суюқ-хроматограф тандемли масс-спектрометрияси орқали экспериментал тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида опиат аралашмали – кўп атомли омнопон молекуласининг сиртий ионлашув масс-спектрометрияси (СИ/МС) ва суюқ-хроматограф тандемли масс-спектрометрияси экспериментал тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. СИ/МС усули билан омнопон масс-спектрлари, характерли ионларнинг ҳароратга боғлиқлиги ва биргаликда бошқа моддалар билан адсорбцияланганда ион тоқлари олинган. Омнопон масс-спектри морфин, кодеин, тебаин, папаверин ва наркотин молекулаларининг СИ масс-спектрларига хос бўлган чизикларидан иборат.  $m/z$  339 га тенг бўлган ион чизиги папавериннинг молекуляр  $M^+$  ионига,  $m/z$  284, 298, 310, 412 чизиклари мос равишда морфин, кодеин, тебаин ва наркотин квазимолекуляр  $(M-H)^+$  ионларига тегишлидир. Опиат молекулаларининг алоҳида адсорбцияланганда СИ масс-спектрларида чиқариб ташлаш йўли билан ҳосил қилинган  $(M-H-2nH)^+$  ион чизиклар кузатилиб, булардан морфин ва кодеинда – 9 гача, тебаин – 7, наркотин – 3, папаверин – бир водород атомидир.


Эмиттернинг ҳарорати  $T > 900$  К бўлганда омнопон масс-спектрларида асосий ион чизиги  $m/z$  220 массали гирокотарнин бўлиб, у эмиттер сиртида наркотин молекуласининг бўлиниши маҳсулотларидан ҳосил бўлади. Ячейка ҳарорати  $t_{исп}=375$  К ва эмиттерники  $T_{эм}=1000$  К бўлганда унинг ион ток




зичлиги  $1.5 \cdot 10^{-9}$  А/см<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Эмиттер ҳарорати  $T_{эм} < 900$  К бўлганда  $m/z$  144 массали N-фенилметилпиридин структурали ва морфинга ўхшаш молекулаларнинг СИ ионлашувида ҳосил бўладиган ионлар чизиғи асосий бўлади.  $t_{исп} = 405$  К и  $T_{эм} = 750$  К бўлганда ток зичлиги  $1 \cdot 10^{-8}$  А/см<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Омнопон ташкил этувчиларининг ион тоқларининг ҳароратга боғлиқлик графиклари (3 – расм) омнопон компонентлари бўлган алколоид молекулаларининг алоҳида адсорбциялангандаги боғлиқликларига мосдир.

Омнопон СИ масс-спектрларида аралашма ташкил этувчилари молекулаларининг гетероген реакция ассоциацияланиш реакция маҳсулотларига мос чизиқлар кузатилмади. Бу опият ташкил этувчилари молекулаларининг ўзаро таъсирлашмаслигини исботлайди.

СИ бўйича олинган натижалар ишончлилигини текшириш учун, омнопон суюқ-хроматограф тандемли масс-спектрометрияси усули билан тадқиқ қилинди. Олдин ESI Q-TOF CID усули билан эталон бирикмалар - морфин, кодеин, тебаин, папаверин и наркотин моддалари текширилди. Уларнинг структураларида азот гетероатоми мавжудлиги мусбатли ион режимида электроспрей усули билан ионлашувига яхши мос келади. Барча ЭСИ масс-спектрларида юқори сезгирликда аниқлаш ва таҳлил қилиш протонлашган  $[M + H]^+$  ионлари ҳосил бўлиши кузатилди. Барча бирикмалар, шунингдек омнопон



3-расм. Омнопон ион тоқларининг эмиттер ҳароратига боғлиқлиги.



4-расм. Омнопон ташкил этувчиларининг хроматограммаси.

МС ва МС/МС (CID) режимида таҳлил қилинди. Хроматографик ажратишлар (4 - расм) омнопон ҳақиқатдан ҳам морфин, кодеин, тебаин, папаверин и наркотик молекулаларидан иборат эканлигини кўрсатди.


Диссертациянинг «Атмосфера босимида қийин учувчи портловчи ва наркотик моддаларнинг тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида биз томондан ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган атмосфера босимида тадқиқот қилиш усуллари билан портловчи ва наркотик моддаларни юқори

сезгирликда аниқлаш ва таҳлил қилишнинг тажрибавий натижалари келтирилган. Ушбу моддаларнинг газли фазада содир бўладиган ион-молекулали реакциялари ва ионланиш механизмлари ишлаб чиқилди.

Наркотик ва портловчи моддаларни юқори сезгирлик билан аниқлаш ва таҳлил қилиш учун намуналарнинг оний десорбцияланиш ва сўнгра диэлектрик тўсиқли разрядда ионлаштирадиган ионлар манбаи яратилди. Масс-спектрлар толанинг  $154^{\circ}\text{C}$  ҳароратида олинди ва бунда морфин ва кодеин учун фақат кўп бўлмаган парчаланиш ионлари ва протонлашган ионлар кузатилди (5-расм). 5а – расмда кўрсатилганидек, морфиннинг  $m/z$  268 массали асосий парчаланиш бўлаги [морфин -  $\text{H}_2\text{O} + \text{H}$ ] $^{+}$  иони кузатилмай, морфиннинг  $\text{M}_2$  кластерли иони кузатилди. Сабаби, агар намуна ҳарорати тезкор оширилса, бунда намунанинг иссиқлик десорбцияланиши парчаланиш тезлигидан кўра тезроқ содир бўлади. Тола температураси оширилиши билан парчаланган ионлар кузатила бошлайди. Масалан, морфин  $200^{\circ}\text{C}$  да протонлашган молекулага нисбатан  $\sim 20\%$  бўлган  $m/z$  268 массали парчаланган [морфин -  $\text{H}_2\text{O} + \text{H}$ ] $^{+}$  ионини ҳосил қилди.

Тринитротолуол (ТНТ), гексоген, пентаэритриттетранитрат (ПЭТН) ва аммоний нитрати (АН) каби портловчи моддаларнинг манфий ионланиш масс-спектрлари ва ҳароратга боғлиқликлари ўрганилди. Ацетонитрил аралашмасидаги портловчи моддалар  $3 \times 3 \text{ мм}^2$  ўлчамли филтрланган қоғозга томизилди ва ўлчашлар учун қуритилган намуналардан фойдаланилди. Қизиш ҳарорати  $271^{\circ}\text{C}$  қилиб ушлаб турилди. Филтрланган қоғозга сурилган 1 нг ТНТ ни аниқлаш мумкинлиги тажрибада кўрсатилди. ТНТнинг  $m/z$  227 массали  $\text{M}^{-}$  молекуляр ионлари,  $m/z$  226 ва  $m/z$  197 массали  $[\text{M}-\text{H}]^{-}$  ва  $[\text{M}-\text{NO}]^{-}$  ионларига нисбатан камроқ.

Наркотик ва портловчи моддаларни таҳлил қилиш учун иккита ҳаво атмосферасида ишлайдиган янги кимёвий ионлашув ионлар манбаи биринчи



5-расм. Морфин, кодеин ва кокаин моддаларининг масс-спектрлари.

бор ўзгарувчан токдан фойдаланилиб ишлаб чиқилди. Портловчи моддаларни ўрганиш учун ўзгарувчан токдан фойдаланиб тож разрядили ионлар манбаининг биринчи вариантыда ҳаво атмосферасидаги кимёвий ионлашув (АБКИ) ионлар манбаи икки тизими, яъни очик ва ёпиқ тизимда ишлаб чиқилди. Очик тизимда эмиттер учуда (игнада) ҳосил бўлган плазма радиал электр майдон чизиқлари остида диффузион ҳолатга келади. Тескари равишда, очик тизимда изолятор ички деворларининг разрядлаш таъсири натижасида плазма чегараланади. Диффузион ва чегараланган плазмалар ўзгармас ток тож разрядининг ҳар хил характеристикаларини берди.

Ацетон перекисининг (АП) мусбат масс-спектри барча тўртала комбинацияларда: ўзгарувчан/доимий ток ва очик/пластик трубади тизимларда текширилди. АБКИ ионлар манбаида ўзгарувчан ток разряди қўлланилса бўлади, деган тахмин асосида, масс-спектрлар лаборатория ҳавосидаги кўплаб

1-жадвал.

Портловчи моддаларнинг аниқлаш чегаралари.

Sample (molecular mass)	Major ion	Ion source temperature (°C)	LOD (pg)
RDX (222)	$[M+NO_3]^-$ (284)	170	10
HMX (296)	$[M+NO_3]^-$ (358)	170	20
NG (227)	$[M+NO_3]^-$ (289) $[M-NO_2+HNO_3]^-$ (244)	140	50
PETN (316)	$[M+NO_3]^-$ (378) $[M-NO_2+HNO_3]^-$ (333)	140	50
TNT(226)	$[M-H]^-$ (226) $[M-NO+HNO_3]^-$ (260) $[M-NO]^-$ (197)	170	50
AN (64)	$[HNO_3+NO_3]^-$ (125)	140	2500
HMTD (208)	$[M+H]^+$ (209)	120	3000



фон сигналлари билан ифлосланган бўлса-да  $[PA+NH_4]^+$  асосий сигнали барча ҳолатларда кузатилди. Очик тизимда ўзгарувчан ва ўзгармас токларда олинган 1 мкл аценонитрил эритмасидаги 100 пг ТНТ учун олинган масс-спектрда  $[M-NO]^-$  фрагмент иони асосий ион сифатида кузатилди. Шунга қарамасдан  $m/z$  226 ва  $m/z$  227

массали квазимолекулалари  $[M-H]^-$  ва  $M^-$  молекуляр иони фақат ўзгармас токчи очик системада аниқланди. Бироқ, ўзгарувчан токчи очик системада ТНТ  $M^-$  молекуляр иони асосий бўлиб,  $[M-H]^-$  и  $[M-NO]^-$  ионлари нисбатан кам интенсивликка эга ва ўзгарувчан ток тож разряди манфий режимдаги доимий токка нисбатан «юмшоқ» ионлашув эканлигини кўрсатди. ТНТ ни миқдорий таҳлиллари доимий ва ўзгарувчан токчи ёпиқ системаларда ўтказилди. 2 нг дипазонида иккала ҳолат учун ҳам яхши чизиқлилиқ кузатилган бўлиб, кореляция коэффициенти  $R_2 \sim 0.99$  ни ташкил қилди. Игна очик тизимларда ўзгарувчан ва ўзгармас токларда 20 соат давомида узлуксиз ишлагандан сўнг унинг учини эрозияланишини сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ) ва энергодисперсион рентген спектроскопик (ЭДРС) усуллари билан таҳлил қилинди.

Олинган ЭДРС спектр тасвирлари, эрозияга учраган компонентлари  $K_\alpha$  кислород пиклари интенсивлиги игна корпусидагига нисбатан анча кучлироқ

эканлигини кўрсатди. Ўзгарувчан токли АБКИ ионлар манбаининг иккинчи вариантида гексоген, октоген, нитроглицерин (НГ), ПЭТН, ТНТ ва НА каби портловчи моддалар манфий ҳамда мусбат режимда тадқиқ қилинди. Мусбат режимда ушбу моддаларнинг ҳеч қандай ионлари, масалан, 10 нг миқдордаги намуналарда протонлашган молекулалар аниқланмади. Бундан фарқли 10 нг гексаметилентрипероксиддиаминда (ГМТД) манфий ионлар аниқланмади. Манфий масс-спектрлар бирикмаларнинг структурасига боғлиқ равишда ўзига хосдир.

Гексоген ва октоген аддукт  $[M + NO_3]^-$  ионлари (бирлашиш маҳсулоти) маҳсулотининг ягона иони сифатида кузатилди. Фон ионлари сифатида ҳаво плазмасида ҳосил бўлган  $NO_3^-$  ( $m/z$  62) ва  $[HNO_3 + NO_3]^-$  ( $m/z$  125) ионлари кузатилди. НГ ва ПЭТН лар ҳам аддукт  $[M + NO_3]^-$  бирикмалар асосий ионлар сифатида кузатилди. НГ ва ПЭТН ларнинг  $[M + NO_3]^-$  ионига кўшимча сифатида  $m/z$  244 ва 333 массали ионлар кузатилди. ТНТ нисбатан интенсивроқ масс-спектр бериб, унда  $[M-NO]^-$  ( $m/z$  197),  $[M-H]^-$  ( $m/z$  226) ва  $[M-NO + HNO_3]^-$  ( $m/z$  260) ионлар кузатилди. ТНТда  $NO_3$  ва  $NO_2$  лар (1) ва (2) реакция орқали  $[M-H]^-$  ( $m/z$  226) ионларни ҳосил қилиш учун ўзларини депротонловчилар сифатида кўрсатиши мумкин. (1) чи реакциянинг содир бўлишини масс-спектрда  $[M + NO_3]^-$  ионларнинг йўқлигини қуйидагича тушунтириш мумкин:



Ҳаво плазмасида содир бўладиган ион/молекулали реакциясининг қонуниятини аниқлаш учун ионлар манбаига тоза азот  $N_2$  йўналтирилди. Тадқиқот натижалари асосида  $[M-NO]^-$  ионлари ҳосил бўлишига олиб келадиган мономолекуляр  $M^-$  реакция диссоциацияланишга кўшимча равишда  $[M-NO]^-$  ионлари (3) реакция асосида ҳам ҳосил бўлиши мумкинлиги таклиф қилинди:




Озоннинг ион/молекула реакциясида қатнашиши эҳтимоли мавжуд, сабаби ҳаво газ реагент сифатида ишлатилади. Тадқиқ қилинган портловчи моддаларнинг аниқлаш чегаралари 1 - жадвалда келтирилган.

Масс-спектрометрия учун импульсли электромагнит клапанли узлукли атмосфера босимли интерфейс ишлаб чиқилди. Ҳаво оқими тезлиги ва импульсли клапан иш частотаси орасидаги боғлиқлик клапаннинг учта очилиш вақтида ўрганиб чиқилди: 10, 20 ва 30 мс. Частота 1 Гц дан 5 Гц гача ўзгартирилганда ҳаво оқими тезлиги  $\sim 25$  мл/мин дан  $\sim 90$  мл/мин гача ўзгариши аниқланди. АБКИ ионлашув камерасига ички диаметри 0.25 мм ва узунлиги 10 мм бўлган капилляр орқали киритиладиган газ намунасини 0.3 с давомида тўлиқ кўчириш мумкин бўлди. Газ оқими тезлигини  $\sim 25$  мл/мин дан  $\sim 90$  мл / мин гача оралиқда частотани 1 Гц дан 5 Гц гача оралиқда ўзгартириш орқали бошқариш мумкин. ТНТ, гексоген ва ГМТД ва

наркотиклар морфин, кодеин, метамфетамин ва кокаин каби моддалар ионлар манбаи ҳароратини 180°C гача ошириш мумкинлиги учун анализларнинг ионлар манбаи деворларига адсорбцияланиши натижасида юзага келиш мумкин бўлган ифлосланишларсиз таҳлил қилинди.

Паст босимли тўсиқли разрядли ионлар манбаида портловчи моддалар



6-расм. Портловчи моддаларнинг масс-спектрлари.

тадқиқ қилиниб, унда газ киритиш учун ички диаметри 0.115 мм ва узунлиги 12 мм бўлган никелли капиллардан фойдаланилди. Манфий зарядланган диэлектрик деворнинг таъсири диэлектрик тўсиқ разрядли (ДТР) ионлар манбаига тўрсимон цилиндр шаклдаги электродни ўрнатиш орқали ўрганилди. Тўрсимон электрод қўйилганда, қўйилмаган ҳолатига нисбатан сигналнинг сезиларли кучайиши кузатилди. Гексоген, октоген, НГ ва ПЭТН каби портловчи моддалар ҳаттоки, энг юқори ҳароратларда (180°C) ҳам NO<sub>3</sub><sup>-</sup> кластерли ионлари сифатида кузатилди. Ушбу ҳолат кластерли ионлар [M + NO<sub>3</sub>]<sup>-</sup> ҳосил бўлишида боғланиш энергиялари кучли эканлигини кўрсатади. [M + NO<sub>3</sub>]<sup>-</sup> кластерлар ионлар сигналларининг интенсивлиги ионлар манбаи босимини ~38 кПа гача ўзгартирилганда, Ле Шателье қонунига биноан кучли ошиши кузатилди. Бироқ ион [TNT-NO] учун энг кучли сигнал 0.6 кПа дан ~38 кПа гача бўлган интервалда, фақат ~1 кПа да энг кучли сигнал кузатилди. Ионлар манбаидаги босимни тўғридан тўғри ўлчаш

қийинлиги туфайли, босим Хагена-Пуазейл тенгламасидан фойдаланилган ҳолда баҳоланди. Диаметри d ва узунлиги l га тенг бўлган цилиндр формадаги труба учун тенгламанинг умумий кўриниши қўйидагича бўлади:

$$\frac{dV}{dt} = \frac{\pi d^4}{128\eta} \frac{dP}{dl} \quad (4)$$

$dV / dt$  – ҳажмий исроф,  $\eta$  – динамик қовушқоқлик ва P - босим. Қисилган оқим учун (4) тенгламани газни ўтказиш қобилияти Q орқали ёзиш мумкин бўлиб, бунда  $Q = d(PV)/dt$ . Тенгламани 1 чи ва 2 чи нуқтадаги трубка узунлиги ва босими бўйича интеграллаб ламинар оқим шароити учун

газни ўтказа олиш қобилияти учун умумий тенгламани қуйидагича ҳосил қиламиз:

